

КИШЛОК ХОЖАЛИКИ

1991 йил 7 сентябрь

ШАНБА

№ 175 (5.218).
БАҲОСИ 8 ТИЯН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда республиканинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республи-

каси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 6 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

6 сентябрь кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика коммунистларини факулдада XXIII съездида тайёргарлик юзасидан ваколатли комиссиясининг мажлиси бўлиди. Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси кўшма пленуми ақуларини муҳофиза қилиш ва съездга делегатлар сайлаш юзасидан бошланғич тартиб ташкилотларида йиғилишлар ва партия комитетлари пленумлари қандай ўтказила-

ётгани тўғрисидаги ахборот тингланади. Мажлисда бўлажак съезднинг мўлжалланган кун тартиби, унинг регламенти, ишчи органлари таркибига доир тақлифлар ва бошқа масалалар ҳам муҳофиза қилиниди. Факулдада съезд бўлажак ҳужжатларининг асосий мазмунини юзасидан мулоҳазалар билдирилади. Бунда аввало республика Компартиясининг сифат жиҳатдан янги партияга айлантириш юзасидан чуқур ислох

қилиш зарурати асосланган зарур.

Марказий Комитет ваколатли комиссияси тайёргарлик жараёнида пишиқ-пухта бўлишни таъминлаш учун съездга сиёсий маъруза ўқитиш, съезд баёоти лойиҳаси ҳамда қарорларини тайёрлаш, жойларда, партия ташкилотларида съездга тайёргарлик ишларини ташкил этишга доир урта кичик комиссия тузди.

ТЕНГЛАР ИЧИДА ТЕНГ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
БЕШИНЧИ СЪЕЗДИДА (2 сентябрь)
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ.

депутат Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ нутқи

(МАРГИЛОН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ САЙЛОВ ОКРУҒИ)

Хурматли халқ депутатлари! Шу даргоҳда туганганларнинг муносабатига қараб ҳақ чиқарадиган бўлсак, СССР Президенти ва Иттифокдош республикалар олий раҳбарларининг баёоти турлича кўп олинди, дейиш мумкин. У кўпчилик учун кутилмаган бўлди. Бироқ бу ҳужжатни ортиқча ҳис-туйғуларга берилмасдан, мамлакатдаги иқтисодий-сиёсий шaroитнинг жамини воқеаларнинг ҳисобига олган ҳолда таҳлил этиб кўрсан, у ҳолда ҳозирги вақтнинг унинг қабул қилинишига қарай бироқ-бир фикр билдириш мумкин эмас.

Кўпчилик республикалар, жумладан Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг расман эълон қилди. Бундан бунда бизнинг кўп миллатли республикамиз этник жиҳатдан номланган ҳар қандай «изм»лар ва сиёсий ўзгаришлардан ҳоли бўлди. Кеча миллионлаб Ўзбекистонликлар 1 сентябрини қиёнак давлатчилик ва ҳуррият кунини сифатида нишонладилар. Бундай воқеани билан ҳисоблашмасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини тўғрисидаги баёнотда ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи, яъни унинг давлат мустақиллигини асослари тўғрисидаги қонунда миллати, диний эътиқоди ва иқтисодий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечириши, шунинг ва кадрларнинг ҳуқуқий ҳимояланishi таъминланиши узил-кесил айтиб қўйилди. Ҳеч ким бизни бошқа бироқ-бир нарсаларга айблаб, шубҳаланиб ўтирмасин, соф ораву-ниятларимизга шак келтирмай қўя қолсин.

Бироқ қонуний савол туғилади: ана шундай ҳолатда Иттифок нима бўлади, унинг тақдирини қандай чекади, ҳозир гапиралаётганидек янги-янги қўрилган давлатларнинг қандайдир қолдиқми? Чамаси, 19 августга қадар тасаввуримизда бўлган янги-янги давлатлар эмас, балки моҳият-этиборига кўра иккита янги вазифага эга бўлган мустақил давлатларнинг бутунлай

янги Иттифок ҳақида фикр юритиш мақсадида мувофиқдир. Республикалар ўртасида қарор топган чегараларнинг дахлсизлиги билан бир қаторда умумий чегараларининг кўриқлаб туриш учун ягона мудофаа потенциалини сақлаб қолиш шарт, бу биринчиси. Иккинчиси шуки, тегишли молия-кредит муносабатлари ва ҳоҳоналарга эга бўлган умумий иқтисодий кенгликни сақлаб қолиш зарурлигига, ахтирмоқ, ҳеч қандай бўлса ҳам, фақат шундангина биз умумий танқислик ва пулнинг тинмай ўсиб бораётган қадрланган қисмидан қисқувдан чиқиб олишимиз мумкин.

Назаримда, ҳатто Россия ҳам ёлғиз бир ўзи қисқа муддат мобайнида ана шу вазифаларни ҳал этиши жуда қийин ёки амалда умуман мумкин эмас, вақт эса кутиб турмайди. Биз фақат куч-гайратларимизни бирлаштириб ҳолданига зарур мудофаа қудратимизни сақлаб қолишимиз, қарор топган чегараларни қўн қўнни йўли билан қайта кўриб чиқмаслигимиз ҳамда иқтисодий-етимизини у тушиб кетган жарайдан тортиб олишимиз мумкин.

Шу билан бирга аниқ-равшан қилиб айтиб ўтишим керакин, бундай Иттифокда «кичиклар» ва «катталар» бўлмаслиги, Иттифокнинг барча органлари «бир республика — битта овоз» қон-дабига асосан тузилиши, бошқаруви билан таркибига асосан тузилиши, давлатларнинг вакиллари зарурий тарзда бўлишлари, янги ақшоқимлик вужудга келишининг ҳатто энг кичик имкониятларига ҳам йўл қўймаслик лозим.

Янги Иттифок тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекадиган республикалар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўз миллий-давлат тузилишига доир масалаларни мустақил ҳал этишлари, ўзлари зарур деб ҳисоблайдиган барча мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишлари керак.

Мана шу минбардан таш-риб мен фақат съезд қатнаш-

чиларига эмас, балки ҳаммага оғиқ-ошқора айтимоқчиманки, мустақил Ўзбекистон Республикасини халқ ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатда, ҳар қандай Иттифокда, у қимлар билан тузилганидан қатъий назар, иккинчи даражада ўрнида туришга рози бўлмайди. Тенглар ичида тенглик — халқимизнинг қадимий орузи бўлиб, биз янги Иттифокимиздан шунини истай-мин.

Хурматли съезд! Қиш қирқилиши келмоқда, очар-чилик бўлиши аниққа ўхшайди. Мамлакатимиз халқлари биздан сафсатабозликни эмас, балки амалий ҳаракатларни кутмоқда. Одамлар энг оддий тартиб, интизом ўрнатишни, таъминлашдек турмуш шарoити яратиб беришни талаб этинмоқда. Уларнинг талаблари ана сўз-замонлик гирдоида қўнбо кетмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам мен Қозғонистон Олий Кенгаши раисининг СССР Олий Кенгаши ҳамда халқ депутатлари съездининг бундан кейинги тақдирини ҳақиди тақлифларини кўлаб-куватлайман. Биз келажакда ўзаро муносабатларимизнинг принципиал масалалари бўйича қисқа муддат ичида аниқлик киритиб олишимиз, унда мустақил республикаларнинг қонуний манфаатлари ва талаблари назарда тутилган, халқ ҳўжалиги ва умуман иқтисодий-етининг ҳамон давом этётган парокандалигини тўхтатиб қилиш учун таъсирчан ме-ханизмни ишлаб чиқишимиз шарт. Ана шу маънода СССР Президенти ва Иттифокдош республикалар олий раҳбарларининг Баёоти ишлари, мизин ўзаро муносабатларимизнинг сифат жиҳатидан, янги босқичда тезроқ йўлга қўйиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилишга яхши асос бўлади. Эндилдида ўтиш даври учун баёнотнинг унчи-чи моддасида кўзда тутилган органларнинг тезроқ тузи-лиши ҳамда аниқ ишларга киришмоғимиз лозим. Мен сизларни, ўртоқ съезд қатнашчилари, ишчимизда кўпроқ конструктив йўл тутишга қақираман. Бинобарин, съезд ишини уч ёки тўрт кун давом эттиришимиз ҳам шарт бўлмас керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Хурматли Президент,

қадрли ва қондош ўзбекистон-лилар!

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниши биз — Ленинобод вилояти меҳнат аҳлини ҳам беҳад рўҳлантириб юборди. Биз ҳам «Ўзбекистон мустақиллиги кунини» бўлган 1 сентябрини катта шодона қилдик. Биз биламизки, эрк учун кураш ҳар бир миллатнинг асрий орузи. Эрк йўлида Ўзбек элининг не-не азия фарзандлари ўз бошларини тикдилар. Улар «Тобеликда бир аср яшагандан, озодликда бир кун яшамок афзал» дедилар.

Ўрта Осиё меҳвари бўлган Ўзбекистон замонлар уммонини яра, тўфонлар ўз-ура мўзаффар бўлди. Қадимий удуғимиз бўлган Наврўзининг тикланиши, дину-имонимизнинг қайтиши ана шу эзгу мустақилликнинг дебочалари эди. Бунда Президент ўртоқ Ислам Каримовнинг матонати, маъруф ва мутозилиги тақсига сазовор бўлди.

Бугун Ўзбекистон мустақиллиги ҳамма жойда баралла овозда айтилмоқда. Ун яқин келгусида олам тан олиши табиийдир. Биз бепоян Мирзақул заманидан тортиқ қилинган ерларда деҳқончилик қилиб, рискурўз яратмоқдамиз. Бухорогази ҳароратидан, Сирдарё

ГРЭСи шуъласидан баҳрамандимиз. Жамоа ҳўжалигимиз қондош ва жондош ўзбеклар билан ҳамкорликда ишлаб 28 минг тонна пахта, 7 минг тонна сут, 700 тонна гўшт, 800 тонна дов, мева-савазот етиштириб, 36 минг аҳолимизни таъминлаб келмоқдамиз. Бизни Ўзбекистон билан еримиз, сувимиз, касби-коримиз, бозоримиз, йўлимиз — ҳамма-ҳаммаси бир. Уларни айри тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Мен 84 ёшдаман. Ўтмишнинг кўп баянд-настининг жонли тубоқиман. Кўп қимматчиликни бошдан кечирдим. Меҳр-оқибат қимматчилиги ўз беришидан қўрқман холос.

Ўз еримизга, бойлигимизга, тилимизга ўзимиз эга бўлганимиз тарихининг бир мурувватидир. Ана шу мустақиллик илоҳим мангулик мукри билан битилган бўлсин. Ўртоқ Президент Ислам Каримов, Сизга ва Сиз орқали кўп миллатли Ўзбекистон аҳлига мустақиллик қўтловини қўллаймиз.

Чексиз қувонч ва эҳтиром билан:

Абдуғафур САМАТОВ.
Ленинобод вилояти, Пролетар ноҳиясидаги Ленин орденли Ленин номи жамоа ҳўжалиги раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, жумҳурият пахта устаси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.



● Олтириқ районидagi «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг 9-бригадаси аъзолари 67 гектар майдонда пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Гектардан 30 центнердан ҳирмон кўтариш мўлкаланган. Дала ишларида Фоти-ма Сандосимова фаол қатнашайтир.

● Норихон Едгоров Олти-риқ районидagi «Пахтабод» жамоа ҳўжалигининг аъзои Йўлдошев бригадасида эвено бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг жамоаси 12 гектар майдонда гўза ўстирмоқда. Ҳозир ҳар туғида 9—11 та бўлиқ кўса, 5—6 та очилган чаноқ бор.

СУРАТДА: эвено бошлиғи Н. Едгоров.

Х. МЕЛИБОВ олган суратлар.



УРУҒЛИК ПАХТА

ФАРФОНА. (ЎзТАГ муҳ-бири). Қува районидagi «Коммунизм» колхозида уруғлик пахтани етпасига теришга киришилди.

Бу йил ҳўжалик пахтакорлари 1179 гектар ерга «Анджон-13» ва «С-6030» нав чигитларини экишди.

Деҳқонлар гўзалларини юксак агротехника даражасида парвартиш қилганликлари туғайли мўл ҳосил гишиб етилди. Энди деҳқонлар уни ўз вақтида териб олиш пайига тушдилар. 1 октябрга қадар улар режадаги топшириқни бажариб, гектар бошига 28

центнер уруғлик пахта теришни қўламоқдалар. Че-вар теримчилардан Соли-хон Аъзамжонов, Оразул Нишонов, Зулхумор Тўхта-синовалар ҳар бири бугун хирмонга 150—180 кило-грамдан пахта топширди. (ЎзТАГ).



● Пахтакор районидagi «Самарқанд» давлат ҳўжалиги жамоаси гўза парвартиш бўшастирмаган ҳолда йинги-теримга пахта тайёргарлик қўймоқда. Пайкалларда яхши ҳосил туғилди. Бошбек Шарпов бошлиқ бригадига қарашли Абдували Сиддиқов эвенои дала-ларида ҳам бўлиқ кўсақлар, очилган

чаноқлар кўп. Бу жамоа 57 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнер ур-нига 30 центнердан пахта йиғиштириб олишга бел боғлаган.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Б. Шар-пов ва эвено етакчиси А. Сиддиқов пахтазорда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ЗАРБДОР ПАЛЛА

Ғузор район пахтакорла-ри аввалги йилдаги каби Қашқадарё вилоятида би-ринчи бўлиб теримин бош-лаб юборишди. Карл Маркс номи жамоа, Қўйбосиш, Майна Ҳасанова, Охунбобо-ев номи давлат ҳўжалик-ларининг деярли барча бўли-млари ва бригадалари бу иш-га ҳамжиҳатлик билан ки-ришилди.

Ўтган йили Қўйбосиш номи давлат ҳўжалигининг Илоҳом Норбоев бошлиқ бри-гадаси пахта тайёрлаш йил-лик режасини 17 сентябрга урдалаб, 280 тонна оқ олтин топширган эди. Яъни ҳосил эса 320 тоннани ташкил эт-ганди.

— Бу йилги ниятлар қан-дай? — сўрадим бригади-дан.

— Ваҳор ва ёз ойлари жу-да ташвишли кечди, — де-ди бригадир. — Ҳайратки, июлнинг иккинчи ярми, ав-густ ва сентябрнинг бошла-ниши экин парвартишдаги ке-чиккишни бартараф қилиш имконини берди.

— Мана бу далага кўз ташланг, — сўзини давом

этирди бригадир, чамандек очилган пахтазорга ишора қилиб.

Ҳозир бригада аъзолари-нинг ҳар қайсиси ўртача 60—80 килограмдан пахта термоқда.

— Барглар вақтида тўғил-са, бу йил ҳам режани 15—16 сентябрга урдалаш нияти-дамиз, — таъкидлади И. Норбоев: — Зангори кема-лар шай турибди.

Баҳористон, Муборақ, Ко-сон, Улянов районларидаги ҳўжаликлар, шунингдек Су-рхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг асарият жамоаларида ҳам йинги-те-рим қизғин тус олмақда.

Умуман республикамиз бўйича қунаданги ўсиш ўтган йилги кўрсаткичдан бир му-ча юқоридир. Кейинги ҳаф-талар ичида об-ҳавонинг қу-лай келгани кўп жойда гўза парвартишдаги кечиккишни тўлдирди имконини берди.

Айни пайтда Ўзбекистон, Фрунзе, Балиқчи, Хонқа ва Янгиариқ районларида зан-гори кемалар шай қилиб қў-йилди.

Шуни ҳам айтиш керакки Андижон, Сирдарё, Самар-

қанд вилоятлари ва Қора-қалпоғистон республикаси-нинг қатор ҳўжаликларида пахта териш машиналарини таъмирлаш ўтган йилга нис-батан кечикмоқда. Хўжай-ли, Шуманай, Избоскан, Қўрғонтепа, Пешку, Косон, Бувайда, Охунбобоев райо-нларида бу иш атғи 80—85 фозга бажарилган.

Ғузор районидagi «Дўст-лик» давлат ҳўжалигида эса 27 пахта териш машинаси-дан яримдан кўпроғи ҳали таъмирланмаган. Суруҳонда ва Сирдарё вилоятларининг ҳўжаликларида зарур миқдор-даги дефолантларнинг тўрт-дан бири қисми етказиб бе-рилмаган, «Узасельхозхимия» жумҳурият бирлашмаси, унинг жойлардаги бўлима-лари ҳўжаликларда гўза баргини тўкиш тadbирини вақтида ўтказиб, зангори кемалардан унумли фойда-ланишлари имконият яра-тиш учун саъй-ҳаракатини кучайтириши керак.

Р. НАЗАРОВ,
республика Қишлоқ ҳў-жалиги вазирлиги пахта-чилик бoшқармасининг бошлиғи.

СОҲИБКОРЛАР ТАНЛОВИ

Тошкентда, жумҳурият Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида соҳибкор уст-ларнинг мусобақаси бош-ланди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан бу ерга кел-ган бoғбонлар ўз меҳнат-ларининг самараси бўлиши ширин-шаклар узумларин олиб келдилар.

Танлов ташкилотчилари орасида жумҳурият Қишлоқ

ҳўжалик вазирлиги ва Дав-лат сў ҳўжалиги қўрилиши комитети, Ўзбекистон қиш-лоқ ҳўжалик академияси ҳамда «Узплодоовощчин-пром» концерни бор.

— Бундан олти йилча му-қаддам Иттифок даражасида сиприги ичимликларга қар-ши кураш баҳонасида беаъ-ниларча, айтиш мумкин, ки-нояиторона фармонлар

қабул қилинганди, — дейди Ўзбекистон халқ депутати, Ўзбекистон мева-савазот ва узумчилик санoати кон-церни раиси А. Х. Тошмөн-бoев.

— Танловни ўтказишдан мақсад қўрилган зарарларга қармай, жумҳуриятда узум-чилик сақланиб қолганини кўрсатишдан иборат. Бунда жoлаб соҳибкорлар, ўслаб-селекциячи мутахассисла-риники бор. Улар узум

етиштириш борасидаги минг йиллик тақрибга йўқолиб ке-тишга йўл қўймайдилар. Жумҳуриятимизда узумчи-лик ривожланмаверди. Ўзе-бекистон халқи ва бошқа жу-мҳуриятларнинг халқлари учун ширин-шаклар узумлар сoуб бўлади.

Танловни жумҳурият қишлоқ ҳўжалик вазири М. Ю. Исломов очди.

Шундан кейин ҳозир бўл-ганлар кўргазмани томоша қилишди. Бу ерда узумининг «оқ ҳўсайни», «Ризамат», «Тоғири» каби хилма-хил навларини ва хилма-хил майизларни кўриш мумкин.

Жумҳуриятимизнинг номини бутун дунёга таратган ҳу-раки узум ва винобoп маш-ҳур узумлар ҳам кўзини қа-маштиради.

Концерни раиси Ўзбеки-стонда узумчилик барбoд бўлгани йўқ, деб жуда ҳақ гапни айтди. Узумчилик

анъаналари ўз авлодларидан олтин қўлларни ва узумга бўлган кеңсиз муҳаббатини мерос қилиб олган ҳозирги соҳибкорларимизнинг меҳ-натидида ўз ифодасини то-пмоқда.

Танловнинг очилишида Ўз-бекистон жумҳурияти Прези-денти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг би-ринчи ўринбoсари И. Х. Жу-рабoев, Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комите-тининг котиби А. И. Икoмов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛИК ХОСИЯТИ

Мирзақул шаҳарлари ва қўрғонларнинг аҳолиси ав-валги йилларда дефоланция бошланиши билан ҳаво бу-зиллишдан шўқот қили-шарди, бу йил эса бундай бўлмапти. Ваҳоланки ви-лоятда бир неча ўн минг гектар майдондаги гўзалар дефоланция қилинди. Ҳамма гап шундаки, аҳоли истиқо-мет қилганлар ерларга яқин пахта майдонларига Герма-нияда ишлаб чиқарилган

«Дроп» дефолантини пур-налмоқда. У хлорат магний-

га нисбатан анча кам за-ҳарлидир.

Ҳар қалай вилоятдаги барча майдонларга хориж-дан келтирилган дори етмай-ди. Шу билан чўлда яна хлорат магнийдан фойдала-дилар. Механизаторларга йўл-йўриқлар берилди, эҳ-тиёт чоралари қўрилди. Ав-валги йиллардагидек ўсим-ликларга фақат ердан туриб ишлов берилмоқда.

15 сентябрь кунини — ўт-ган йилдагидан бир ҳафта илгари вилоятда машина-дан пахта терими бошланди.

Қут-барака сарчашмаси



Бу йил Дўстлик районидagi «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги озуқакорлари боракали ишлашляпти. Ҳал қилувчи дамларда экинлар парвариши намунали олиб борилади. Муҳим ишга етарли ишчи кучи, техника ажратилди. Шу боис, натижа қутилганидан ях-

ши. Уста деҳқонлар ҳар гектар ердан эллик центнердан беда пичани олишди. Узаро мусобақада Мамат Исмаилов бошқича эвено атзола-ри етакчилик қилишляпти. Улар режани бир ярим ҳисса қилиб бажардилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Озуқа жамғаришда жон-

бозлик кўрсатётган М. Исмаилов ва Р. Қўлдошев ҳосил чўғини чамалашляпти. 2. Беда ўрилмоқда. 3. Хўжаликнинг энг тажрибали механизаторлари — С. Муродов, А. Қолма-тов ҳамда Ш. Қорабеков.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

СИФАТЛИ

ОЗУҚА

Денов районидagi «Ҳазор-бот» давлат хўжалиги деҳқонлари 300 гектар майдонда озуқа экинлари ўстиришмоқда. Экин бедазорларнинг ҳар гектаридан 200 центнердан пичан тайёрлаш мажбурияти қабул қилинган. Чоршам Мирзаев, Олим Раунов, Таштемир Шаймуродов бошқича бригадалар аъзоларининг астойдил меҳнати яхши самара бермоқда. Механизаторлар 4 та ўриш агрегатини юқори унум билан ишлатишляпти. Қунига ҳар агрегат ёрдамида 10—12 гектар ердаги беда ўрилмоқда. Уни ташинида 6 та тележнадан фойдаланиляпти.

Ж. ШАРИПОВ.

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Ҳаммамизга маълум, ўтган йили қиш қаттиқ келди. Бунинг устига қўқламга етдик деганда баъзи районларда бўлган қўрқоччилик қорвадорни шошириб қўйди. Лекин қўқламга хўжаликларда қишлоғга яхши тайёргарлик қўрилган эди. Шу туфайли мавсумни беталофат ўтказиб, юқори кўрсаткичларга эришилди. Энг яхшиларни жумхурият мусобақасида ғолиб деб топилди.

Яқинда 1990-1991 йиллар қорва қишлоғига яқин ясалди. Ғолиблар Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва жумхурият Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси марказий комитетининг фахрий ёрлиқлари, пул мукофоти ва енгил автомашиналар билан тақдирландилар. Улар билан танишинг:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУЙИЧА: Қўнғирот районидagi Чопев номи давлат хўжалиги Қўрғоқ районидagi «Қўрғоқ» давлат хўжалиги Хўжайли районидagi «Хатеп» хўжалик-саноат мажмуи Амударё районидagi йирик шохли молларни бўрдоқча боқишга ихтисослашган хўжаликлар қорвачилик қорхонаси

Бўзатов районидagi «Қозонкетган» давлат хўжалиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Олтинқўл районидagi Свердлов номи жамоа хўжалиги Избоскан районидagi Тиллабоев номи жамоа хўжалиги Ленин районидagi К. Маркс номи жамоа хўжалиги Москва районидagi «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги Марҳамат районидagi Қўйишев номи жамоа хўжалиги

БУХОРО ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Пешку районидagi Охунбоев номи жамоа хўжалиги Қизилтепа районидagi «Бухоро» жамоа хўжалиги Бухоро районидagi Усмон Юсупов номи жамоа хўжалиги Свердлов районидagi Свердлов номи жамоа хўжалиги

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Пахтакор районидagi Ульенов номи давлат хўжалиги Жиззах районидagi Х. Олимжон номи давлат хўжалиги Зомин районидagi «Қизил қорвадор» давлат хўжалиги Фориш районидagi Ильин номи давлат хўжалиги

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Қосон районидagi «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги Гўзор районидagi «Рассвет» давлат хўжалиги Нишон районидagi Аленда номи давлат хўжалиги

Муборак районидagi «Муборак» давлат наслчилик заводи

Ульянов районидagi «Москва» давлат хўжалиги

Қарши районидagi «Прогресс» давлат хўжалиги-саноат мажмуи

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Наманган районидagi Охунбоев номи жамоа хўжалиги Чуст районидagi «Москва» жамоа хўжалиги Уйчи районидagi Тельман номи жамоа хўжалиги Наманган гўшт комбинати

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Нурота районидagi Ленин номи давлат хўжалиги Хатирчи районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Оқдари районидagi йирик шохли молларни бўрдоқча боқиш бўйича хўжаликлар қорхонаси

Иштихон районидagi Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўра Махмудов номи жамоа хўжалиги

Пахтачи районидagi «Зарфшон» жамоа хўжалиги

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Гагарин районидagi «Комсомолюбод» давлат хўжалиги Шўрчи районидagi Энгельс номи жамоа хўжалиги Шеробод районидagi «Шеробод» давлат хўжалиги Термиз районидagi «Дўстлик» жамоа хўжалиги Ангор районидagi «Таллимарон» давлат хўжалиги

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Ворошилов районидagi «Шўрўзак» давлат хўжалиги

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Коммунистик районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Чиноз районидagi Энгельс номи жамоа хўжалиги Ғалаба бўрдоқчилик пункти Паркент бўрдоқчилик базаси.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Охунбоев районидagi Ленин номи жамоа хўжалиги Риштон районидagi «Ўзбекистон ССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги

Фарғона районидagi Ильин номи жамоа хўжалиги Киров районидagi «Искра» жамоа хўжалиги

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА: Гурлан районидagi «Коммунизм» жамоа хўжалиги Хива районидagi Оғайи номи жамоа хўжалиги Қўшқўл районидagi Калинин номи жамоа хўжалиги

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Иқтисодиёт бош бошқармасига юқоридagi қарорнинг биринчи бандига биноан жумхурият мусобақасида ғолиб, деб топилган хўжаликлар ва қорхоналар жамоаларини тақдирлаш учун вазир фондидан 118 миң сўм ажратиб топширилди. Бу маблағ ушбу хўжаликларга (2-3 миң сўмдан) тақсимланади. Шунингдек, мукофот тариқасида 60 та енгил автомашиналар берилди. Ғолибларни чин дилдан қутлаймиз. Улардан барча хўжаликлар ўртак ола азияди.

Т. ҒАНИЕВ,

Т. АҲМЕДОВ.

Олис қирлар ортида

Чўлда ишлаш осонмас. Бунинг учун нисонда прола, заминга муҳаббат бўлиши керак. Ёши олтишдан ошган бўлишга қарамадан яёлов неаётган Алдан оға ҳаётдан нолимайди. Қарийб ярим асрдирки қўй боқди. Ана шу йиллар ичида ҳаётининг аччиқ-чучугини тотди. Аммо саросимага тушмади. Умр мазмунини севган қасбини ардоқлашда, деб билди. Унинг 9 фарзанди, невалари бор. Ҳаммалари ақли, меҳнатсевар. Катта ўғли Ҳасанов бундан кўнра. Умрдоши Ойзода Қўсқубоева, келини Қанайра ҳам чўпон. Сулола 600 бошдан ортиқ қўйни меҳр билан парвариш қилимоқда. Ҳар йили бир отардан икки отар яратишляпти.

Она Қонимек районидagi «КПСС XXV съезди» давлат хўжалигининг 3-фермасида меҳнат қилади. Чўлнинг янги табияти, паст-баланд, яйловнинг ҳар қарчи Алдан Дўсенова беш панжаредек аён. Йилнинг тўрт фаслида омиқкорлик кўрсатиб, жамоат чорвасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

— Қасбимдан мамнуман, — дейди Алдан оға. — Чўпонлик бахтим, қувончим. Шу қасб менни унглади. Ҳар йили 13—14 миң сўм дарамад қилдимиз. Мукофотга енгил машина беришди.

Отани районда ташаббускор қорвадор сифатида яхши билишляпти, ҳурматлашляпти. Вой тақрибиса қўлчиллик мулкига айланмоқда. Бош чўпон Алдан Дўсенов бошқича отар жамоасининг бу йилги натижалари салмонли. Қарамонидagi 698 бош қўйнинг ҳар юзидан 117 тадан қўй олиб, 397 тасини ўстиришга қолдирди.

Айни кунларда отарда жўн қўйнинг бошланди. Қўчириш мавсумига ҳам пухта ҳозирлик қўйляпти.

А. РАҲМОНОВ.

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

Термиз шаҳрида Ўзбекистон жанубидagi энг катта спорт-соғломлаштириш маркази очилди. У ўзининг дастлабки муҳлисларини қабул қилиб олди.

Марказда бир неча спортзалли, мергалинги тири, кинотеатр, видео салон, спорт машқлари ўтказиладиган зал бор. Бу ерда бир вақтнинг ўзида мингга яқин киши спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чикариши мумкин. Марказга мактабларнинг ўқувчилари, олий ўқув юрталарининг талабалари ҳаммадан ҳам кўпроқ келишляпти табиий.

Спорт - соғломлаштириш марказини 165-трест жамоаси белгиланган муддатда юқори сифатли қилиб қуриб берди.

Фарғона вилоятининг бинокорлари қўқонликларга ва қўқна шаҳар меҳмонларига ажойиб совға қилди. Вокзал олдидagi майдонда катта кино концерт залли фойдаланишга топширилди. Тошхана Урта Осиев темир йўли Фарғона бўлимининг маблағлари ҳисобидан қурилди.

Ҳанга хос чиройли бинога 500 ўринли зал, ўйин автомашиналари ўрнатилган заллар, буфетлар қўйилди. Янги маданий марказда кинофильмлар томоша қилиш билан бирга, саёяткорлар ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг ижоди билан танишиш мумкин.

Янги кино концерт залли қурилиши учун 800 миң сўм сарфланди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

9-15 сентябрь

• Ҳар куни

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 9, душанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 10, сешанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 11, чоршанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 12, пайшанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 13, жума

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 14, шанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

• 15, якшанба

8.25 Соғлом бўлай десангиз (шанба ва якшанбадан ташқари, ҲТБ-1).
18.00 Ўзбекистон телевиденисининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ҲТБ-1).

19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ҲТБ-1).
22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ҲТБ-1).
6.00 да Марказий теле-

виденисининг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-1 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий теле-

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

виденисининг «Время» программаси.
11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-1).

